

9-МОДУЛЬ. САЙЛОВ НАТИЖАЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИШ

9.1. Илова

Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш тугагандан кейинги фаолияти

1. Участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари қачон овоз бериш _____ яқунланганлигини _____ эълон қилади? _____

2. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари, ҳарбий қисм, санаторий, дам олиш уйлари, касалхона ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш тугаганлигини _____ эълон _____ қилиш мумкинми? _____

3. Комиссия аъзолари овоз бериш яқунлангандан сўнг қонунчиликда белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлигида нечта ҳаракат вазифаларни амалга оширадилар? _____

4. Келиб тушган барча шикоятлар (аризалар) қандай тарзда расмийлаштирилади? _____

9.2. Илова

Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилаётган бўлса

1-навбатда:

- Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича

2-навбатда

- халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови бўйича

3-навбатда

- халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайлови бўйича овозларни кетма-кетликда санаб чиқилади ва натижалар аниқланади.

**Изоҳ: Ҳар битта сайлов бўйича алоҳида баённома тузилади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим қилинади.*

9.4. Илова

Фойдаланилмаган бюллетенларни аниқлаш ва уларни бекор қилиш тартиби

- Фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлар санаб чиқилади ва юқори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан бекор қилинади, бу ҳақда якуний баённомага тегишли ёзув киритилади.

Муддатдан олдин овоз берилган конвертлар бўйича

- Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари комиссия аъзолари билан биргаликда муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпиқ конвертларни сайлов қутисига ташлайди.

9.4. Илова

Казуслар

1-казус

Сайлов натижаларини санаб чиқиш жараёнида бюллетеннинг белгиланмаган намунадаги белги билан тўлдирилганлиги аниқлангандан сўнг ушбу ҳолат юзасидан участка сайлов комиссия аъзоси томонидан ушбу бюллетень бузилган деб топилди. Ушбу ҳолат яъни, комиссия аъзоси ҳаракати қонуний деб топиладими?

2-казус

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб сайлов натижаларига қўра, ҳеч бир номзод қонунда назарда тутилган етарли овозларни тўплай олмаганлиги туфайли 35 та сайлов округида такрорий овоз бериш ҳамда 5та сайлов округидан сайловлар жараёнида қонун бузилишларига йўл қўйилганлиги туфайли такрорий сайлов ўтказиш зарурлиги маълум бўлди.

Бошқа сайлов округларидан сайланган айрим депутатлар эса ушбу сайлов округларида такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов натижалари маълум бўлмасдан туриб ҳам Олий Мажлис Қонунчилик палатасини сайланган ва ўз фаолиятини бошлаши мумкин деб ҳисоблаб, Марказий сайлов комиссияси раисига Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини чақириш, палата раҳбар органлари ва қўмиталари таркибини шакллантириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишди. Марказий сайлов комиссияси мазкур аризага нисбатан рад жавобини берди.

3-казус

Округ сайлов комиссияси УСК баённомасини текшириш жараёнида баённома нотўғри тўлдирилганлиги ёки арифметик хатолар мавжудлиги аниқланди, шу жараёнда УСК аъзосини хатти-ҳаракатини таҳлил қилинг.

4-казус

Сайлов участкасида, участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан овоз санаш жараёнида, халқаро кузатувчи видеога олаётганини УСК аъзоси кўриб қолди. Ундан олдин халқаро кузатувчиларга овоз санаш жараёнини видеога

олмасликлари ҳақида огоҳлантириш берилган. УСК аъзоси халқаро кузатувчининг қилаётган ҳаракатларини кўриб (видео олиш жараёни) бир бора огоҳлантирди. Бунга қарамасдан кузатувчи овоз санаш жараёнини видеога олишни давом эттирди. *Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

9.5. Илова

Ролли ўйин

1-вазият.

Сайлов участкасида 30 нафар сайловчилар соғлиғининг ҳолати ёмонлиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаганлиги учун участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг сайлов кунига қадар қилган ёзма ва оғзаки илтимосига биноан улар турган жойда сайлов ташкил этилди.

Овоз бериш жараёни яқунлангандан сўнг кўчма сайлов қутилари очилди ва ундаги бюллетенлар сони 33 эканлиги аниқланди. Мазкур ҳолатда участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни кетма-кетликда ёритиб беринг.

1. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда уларнинг сони қайта текшириб кўрилади.

2. Агарда белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қоғоз сифати, босмаҳона шрифти ва ҳоказолар бўйича фарқланувчи) шунингдек, участка сайлов комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлар аниқланади.

3. Мазкур масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

2-вазият.

Участка сайлов комиссия раиси ва аъзоси овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома ва унга илова қилинган ҳужжатларни ички ишлар органлари ходимлари кузатувида округ сайлов комиссиясига олиб бориб топширади. Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиш тўғрисидаги баённома нотўғри тўлдирилганлиги ва арифметик хатолар мавжудлиги аниқланди. Ушбу ҳолатда участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатларни кетма-кетликда ёритиб беринг.

1. Участка сайлов комиссияси аъзолари участка биносига қайтиб келиб, қўшимча мажлис ўтказган ҳолда овозларни санаб чиқиш тўғрисидаги баённомани мажлис қарори билан бекор қилади.

2. Овозларни санаб чиқиш тўғрисидаги баённомада йўл қўйилган хатоларни тузатади.

3. Қўшимча мажлис қарори билан тузатилган баённома тасдиқланади.

4. Мазкур ўзгаришлар тўғрисида тегишли кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларига хабар берилади.

9.6. Илова

Бюллетенларни санаш ва ўзаро тўғри ҳисобини чиқариш, баённомаларни расмийлаштириш билан ишлаш тизимини муҳокама қилинг ва тўлдилинг.

№	Бюллетенларни санаш	Бюллетенларни ўзаро тўғри ҳисобини чиқариш	Баённомаларни расмийлаштириш
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

9.7. Илова

Қуйидаги намунавий баённома билан ишлаш тизимини муҳокама қилинг ва тўлдилинг.

Масалан. - Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сони 2000, Участка сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони 2010, Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони 1800, Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони 1800, Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб, бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони 210 та, Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони 11 та, Депутат «А» - 200 овоз берилди, Депутат «Б» - 1050 овоз берилди, Депутат «В» - 435 овоз берилди, Депутат «Г» - 75 овоз берилди, Депутат «Д» - 29 овоз берилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ**

20 __ йил “ __ ” _____

**УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ САЙЛОВ УЧАСТКАСИДА ОВОЗЛАРНИ
САНАБ ЧИҚИШ НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ**

БАЁННОМАСИ

Участка сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 24, 54, 94-моддаларига мувофиқ, _____ сайлов округининг _____ сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Сайлов участкасидаги сайловчиларнинг умумий сони _____
2. Участка сайлов комиссияси олган сайлов бюллетенлари сони _____
3. Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони _____
4. Муддатидан олдин овоз берганлар сони _____
5. Овоз беришда иштирок этган сайловчилар сони _____
(сайлов кутиларидаги сайлов бюллетенлари)
6. Фойдаланилмаган ва бузиб қўйилиб, бекор қилинган сайлов бюллетенларининг умумий сони _____
7. Ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони:

№	Депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми (алифбо тартибида)	Депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сони	Депутатликка номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг номи
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			

8. Ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сони _____.

Комиссия раиси _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия раисининг ўринбосари _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия котиби _____
(фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Комиссия аъзолари:

_____ (фамилияси, исми, отасининг исми) _____ (имзо)

Саволлар:

1. Участка сайлов комиссиясининг овоз бериш фаолиятидан кейинги қадамлари нимадан иборат?

2. УСК қарори билан бюллетень яроқсиз деб топилди. УСК аъзолари шу ҳолда нима қилишлари керак?